Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№71 (420)
2020 йил 11 сентябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

# «ШАФФОФ ҚУРИЛИШ» ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

## Тошкент шаҳри ва вилоятида синовдан ўтмоқда

**Жорий йилнинг 7 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳамда Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда «Қурилишдаги назорат» электрон тизими мавзусидаги ўқув-амалий семинар бошлангани ҳақида газетамизнинг аввалги сонида хабар бергандик.**



Амалий семинарда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида қурилиш сифатини электрон амалга ошириш мақсадида қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат қилувчи мутахассислар, буюртмачилар билан ишлаш бўлимлари вакиллари, ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш жараёнларида фаолият юритувчи соҳа ходимлари ўзаро фикр ва тажриба алмашмоқдалар.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида 1 341 та, Тошкент вилояти Қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциясида 1 697 та қурилиш объекти рўйхатдан ўтган бўлиб, улар «Қурилишдаги назорат» тизимига бевосита киритилган. Мазкур объектларда инспекторлар томонидан назорат ишлари янги тизим орқали синов тариқасида амалга оширилмоқда. Харид қилинган замонавий планшет қурилмалари, назорат ишларида бевосита иштирок этувчи инспекторларга тақдим этилган бўлиб, улар тизимни ўзлаштириш жараёнлари борасида билим ва малакаларини оширишмоқда.

– Давлат инвестиция дастури доирасида қурилиши тугалланмаган ижтимоий соҳа объектларининг 3 000 дан ортиқ маълумотлар базаси шакллантирилган бўлиб, уларнинг 1 300 таси Тошкент шаҳрига тўғри келади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Ахборот технологияларини жорий қилиш бўлими бош мутахассиси Ҳикматилла Маҳмудов. – Амалиётда татбиқ этилаётган мазкур тизим инспекторларнинг масофадан туриб пудратчилар, буюртмачилар, лойиҳа ташкилотлари вакиллари билан онлайн тарзда мулоқотга киришиши ҳамда қурилишда сифатни назорат қилиш натижасида соҳада шаффофликни таъминлаш имкониятини беради. Мазкур ўқув семинарига ҳудудий инспекцияларнинг мутахассислари таклиф қилингани бежиз эмас. Чунки қурилиш соҳасининг ахборот технологиялари мутахассислари, буюртмачи, лойиҳачи ва пудрат ташкилотлари билан бевосита фаолият юритувчи ходимлар бир ҳафта давомида электрон тизимда маълумотлар базасини шакллантириш, ишларни тўғри ташкил этиш, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш борасида ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятидан фойдаланадилар.

Семинар доирасида ҳудудлардан таклиф этилган инспекторлар, шунингдек, Тошкент шаҳрида қурилиши олиб борилаётган объектларда ишларнинг бориши ва уларни айнан «Шаффоф қурилиш» электрон тизими асосида назорат қилиш жараёнлари билан яқиндан танишмоқдалар. Жумладан, қатнашчилар Чилонзор кўчасида қайтадан барпо этилаётган «Ўзбекфильм» биносидаги қурилиш ишларига гувоҳ бўлдилар.

– Тадбир қатнашчиларининг жойларга чиқиб, объектда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кузатишлари «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг самарали фаолият юритишида муҳим омил бўлади, – дейди Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Чилонзор тумани инспектори Дурбек Жўрахонов. – Ҳар бир инспектор планшет билан таъминланган. Улар ўзларининг аккаунтлари орқали ишни тўғри ташкил этишга ҳисса қўшадилар. Тошкент шаҳри ва вилоятида синов тажрибасида ташкил этилган ушбу дастур асосида Қурилиш вазирлиги рўйхатидан ўтган ҳар бир инспектор барпо этилаётган объектга келгач, планшет ёрдамида «Шаффоф қурилиш» дастурига киради. «Текширув» электрон тизими орқали қурилиш ташкилотлари, қурилиш билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг инвестиция дастури ижросини таъминлашдаги саъй-ҳаракатлари ва ички хўжалик ишларига аралашмаган ҳамда уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаган ҳолда, қурилиш сифати назоратини амалга оширадилар. «Текширув» тугмасини босгач, қурилаётган объект ҳақида барча маълумотлар кўринади. Жумладан, унинг манзили, қандай ижтимоий иншоот экани, паспорти, лойиҳа ва пудрат ташкилоти, буюртмачининг номи аёнлашади.

Маълумки, қурилиш объектларининг хавфлилик даражаси тўрт тоифага бўлиниб, айнан ўша тоифалардан келиб чиққан ҳолда текширув ишларини амалга ошириш учун бизга маълум вақт берилади. Масалан, иккинчи тоифага кирувчи объектларда бир ойда икки марта, учинчи, яъни оғир тоифага тааллуқли биноларда бир ойда уч марта ва ниҳоят ўта оғир тоифадаги қурилиш объектларида бир ойда тўрт марта тадбиркорлик субъектининг фаолиятига тўсқинлик қилмаган ҳолда назорат ишларини амалга оширишимиз мумкин.

*(Давоми 2-бетда)*

# 60 ўринли меҳмонхона фаолиятини бошлади

**Навоий шаҳрининг Янгиариқ маҳалласи ҳудудида 60 ўринли замонавий меҳмонхона фойдаланишга топширилди.**








Тадбиркор Азамат Ҳожиев томонидан бунёд этилган «Навоий файз» масъулияти чекланган жамиятига қарашли мазкур меҳмонхонада хорижий ва маҳаллий сайёҳларни қабул қилиш учун барча шароитлар муҳайё этилди. Умумий қиймати 500 минг АҚШ долларини ташкил этган мазкур хизмат кўрсатиш объекти қурилиши учун тадбиркор 300 минг доллар миқдорида банк кредити олди ҳамда 200 минг доллар ўз маблағини йўналтирди. Эътиборлиси, ушбу меҳмонхона қисқа муддатда, яъни 6 ойда қурилишдаги янги технология – енгил конструкция усулида бунёд этилди.

Айни пайтда Янгиариқ маҳалласининг ўзида 5 та меҳмонхона бунёд этилаётган бўлиб, уларнинг 4 таси фаолиятини бошлади. Йил якунига қадар яна битта меҳмонхона фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

**Суратларда:** фойдаланишга топширилган замонавий меҳмонхона.

**Сирож АСЛОНОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

# Янги китоб нашрдан чиқди

**Ўзбекча оҳанг, ўзбекча тафаккур, миллий тил қолипи ва мазмун...**

**Кеча Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бўлиб ўтган «Давлат тилида иш юритиш» амалий қўлланмасининг тақдимотида мазкур мавзуларда батафсил сўз юритилди.**




«O‘zbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонасида нашр қилинган ушбу китоб – **4 боб, 528 саҳифадан** иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти билан ҳамкорликда чоп қилинган **«Давлат тилида иш юритиш» амалий қўлланмаси** қайта тўлдирилган 9-нашрдир.

Ушбу китобда ташкилот ва муассасаларнинг иш юритиш фаолиятида энг кўп қўлланадиган ҳужжатлар, уларни тузиш тартиб қоидалари масалаларига урғу берилган, мазкур ҳужжатлар тегишли намуналар билан кўрсатилган, шунингдек, иш юритишга оид луғатлар киритилган.

Қўлланма биринчи навбатда, ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларига, бошқарув фаолиятида бевосита ҳужжат устида ишловчилар, котиб-референтлар, кадрлар хизмати ходимларига мўлжалланган, шунингдек, ундан ҳисобчилар, адлия маслаҳатчилари, аудитор, менежерлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Янги нашр тақдимотида сўз чиққанлар, мазкур тўпламнинг бугунги кундаги зарурати ва аҳамияти хусусида батафсил тўхталиб, унинг давлат тили нуфузини оширишдаги муҳим қадам эканини алоҳида эътироф этишди.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти бўлим мудири Шаҳобиддин Мусаев, мазкур янги нашр бугунга қадар қарийб **4 мингдан ортиқ** нусхада чоп этилиб, кўплаб давлат ташкилоти ва муассасаларига бепул тарқатилгани, келгусида талаб ва эҳтиёжга қараб яна нашр этилишини маълум қилди.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан яқинда 5 жилддан иборат «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ҳам чоп этилганди. Шунингдек, Департамент Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан ҳамкорликда **«Ўзбекистон Республикаси географик объектлари номларининг давлат тилида ёзилиши йўриқномаси»** ҳамда **«Қорақалпоғистон Республикаси географик объектлари номларининг ўзбек тилида ёзилиши йўриқномаси»** каби амалий қўлланмаларини ҳам тайёрлади.

Тадбирда департамент раҳбарияти бу борадаги эзгу ишлар тўхтаб қолмаслиги, жорий йил якунига қадар 10 дан ортиқ шу йўналишдаги китоблар чоп этилиши режалаштирилганини билдирди.

**Умида БОЙЗОҚОВА,**
**Қурилиш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини**



Реклама

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№71 (420) 2020 йил 11 сентябрь

# «ШАФФОФ ҚУРИЛИШ» ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

## Тошкент шаҳри ва вилоятида синовдан ўтмоқда

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Ўзбекфильм» киностудияси таркибига кирувчи бинолар маънан эскиргани сабабли, бу ерда улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. «Шаффоф қурилиш» электрон тизими орқали ушбу қурилиш майдонида олиб борилаётган ишларнинг сифати, ишчи-ходимларнинг хавфсизлик асбоб-ускуналари, бош кийимлари билан таъминланганлик даражаси, қурилиш-монтаж ишларининг бориши, амалга оширилаётган ишлар шаҳарсозлик меъёрларига тўғри келиши устидан назорат ишларини олиб боряпмиз. Тасдиқланган лойиҳа асосида қурилаётган объектнинг деворлари, том қисми, қўлланилган қурилиш материаллари ва уларнинг сифати ҳамда темир-бетон конструкцияларининг соз ҳолатда эканини текширамиз. Борди-ю, бирон-бир камчилик кўзга ташланса, электрон тизим ёрдамида дарҳол ушбу жараён суръатга олинади ва келтирилган далиллар техник назоратни амалга оширувчи буюртма ташкилотига, лойиҳачи ва пудратчиларга электрон равишда юборилади. Ундан аввал эса ишчи ходимларга бузилаётган меъёрлар ва уларни бартараф этиш борасида оғзаки тушунтиришлар берилади. Улар ушбу камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришлари учун маълум вақт берилиб, қайд этилган камчиликлар ҳал этилгач, иш ёпилади.

Бугунги кунда синов тариқасида амалга оширилаётган «Шаффоф қурилиш» электрон тизими 2021 йилдан эътиборан юртимизнинг барча ҳудудларида амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилган. Тизимни янада фаоллаштириш мақсадида объектларда олиб борилаётган қурилиш ишларининг назоратини амалга оширишимиз ва шунинг баробарида АКТдан самарали фойдаланиш кўникмаларимизни ҳам шакллантиришимиз зарур бўлади.



Эътиборли томони, жорий йил 1 августидан Тошкент шаҳри ва вилоятида, кейинги йил бошидан бошқа ҳудудлардаги қурилиш жараёнларида аниқланган барча камчиликлар фотосуратлари билан тизимга онлайн киритилиб, назорат автоматлаштирила бошланади. Қолаверса, қурилиш ташкилоти ёки фуқароларга жараён тартиблари ва шартлари ҳақида тўлиқ маълумотларни исталган вақтда олиш имкониятини берувчи онлайн тизим ишга туширилмоқда. Бунда барча шаҳарсозлик қоида ва нормаларининг интерактив кўринишга келтириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича жараёнларни рақамлаштириш ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақлашни йўлга қўйиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

– 23 та блокдан иборат бўлган ушбу объектда 2016 йилдан эътиборан қурилиш- таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда, – дейди «Ўзбекфильм» қурилиш ҳудуди бошлиғи Дониёр Жуманов. – Объектнинг катта павильонлари замонавий қурилиш материаллари билан асл кўринишини сақлаб қолган ҳолда тўлиқ реконструкция қилиниб, унинг том, пол қисми янгиланди, ойна ва ромлар алмаштирилди, ичимлик суви қувурлари тортилиб, сув захираси ташкил этилди. Масалан, ушбу катта павильонда кейинчалик киноижодкорлар ёнғинни ўчириш ва ёмғирли саҳналарни суратга олишлари учун бу ерда махсус қувурлар орқали сувларнинг оқиб чиқиб кетиши таъминланди. Хона ва залларнинг, суратга олиш павильонларининг ёруғ ва кенг бўлишига эътибор қаратдик. Замонавий чироқлар ва бошқа асбоб-ускуналар, парда кўтаришга мўлжалланган техникалар, бошқариладиган мониторлар ўрнатилади. Иншоотнинг фақатгина кириш қисмида қурилиш ишларини бажардик. 200 квадрат майдонни эгаллаган ушбу кириш қисмини қайта таъмирлаш жараёнида миллий руҳни замонавий услублар асосида уйғунлаштиришга ҳаракат қилдик. Бугунги кунга қадар қурилиш майдонидаги ишлар 2 сменада 500 дан ортиқ ишчи-ходимлар ва зарур техникалар ёрдамида амалга оширилди. Ҳозирда иншоотнинг ички ва ташқи пардозлаш ишлари якунига етказилмоқда.

– Қурилиш-монтаж ишларининг сифатини тубдан яхшилаш, қурилишда сифат назоратини янада такомиллаштириш мақсадида амалиётга жорий қилинаётган «Шаффоф қурилиш» электрон тизимини ўрганиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларидан инспекторларнинг бир майдонда жам бўлишлари келгусидаги ишимизнинг самарасини таъминлайди, – дейди Сирдарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспектори Сафарали Эрназаров. – Ўқув-семинари давомида кўплаб билимларни ўзлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Авваллари қурилиш объектига келиб, назорат ишларини амалга оширишимиз учун жуда кўп харажат, вақт ва бир қатор ҳужжатларни имзолатишимизга тўғри келарди. Эндиликда татбиқ этилаётган «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали бир вақтнинг ўзида автоматик равишда маълумотлар етказилиб, шу ернинг ўзида камчиликлар бартараф этилади. Бу эса инспекторларга қатор қулайликларни яратиши баробарида, ортиқча сарф-харажатларни ва вақтни қисқартиришга замин яратиб, сарсонгарчиликларнинг олдини олади, энг муҳими қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлаш орқали сифатли назоратни ўрнатишга туртки бўлади.

Президентимизнинг жорий йил Ўзбекистон қурувчиларига йўллаган табригида «Шаффоф қурилиш» ахборот тизими хусусида алоҳида тўхталиб, қурилиш ишларида дунёнинг ривожланган давлатлари стандартларига мос бўлган янги инновацион технология ва ечимларни қўллашга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидлаганди. Ушбу ахборот тизимига соҳада коррупциянинг, қоғозбозликнинг олдини олиш, иш вақтини тежашга хизмат қилади, дея баҳо берилди.

Ташкил этилган ўқув-семинари ҳам мазкур йўналишдаги эзгу ишларнинг мантиқий давомидир. Тадбир иштирокчиларининг машғулотлар ва қурилиш майдонларида эгаллаган билимлари келгусида ҳудудларда қурилиш сифатини назорат қилишда дастуриламал бўлиши шубҳасиз. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда ҳудудларда жорий йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида навбатдаги ўқув-семинарларини ўтказишни режалаштирган.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

**Мана, тўртинчи йил бўляпти, юртимизда изчиллик билан давом этаётган ислоҳотлар республикамизнинг барча ҳудудлари қаторида пойтахт вилоятининг Бекобод шаҳрида ҳам жадал суръатларда давом этмоқда.**

# ЧИЛЛА ЖАЗИРАМАСИ ЎТДИ,

## аммо қиш ҳам тоғ ортида тургани йўқ

Айтишга осон, аммо мана шу ўтган қисқа даврда ҳудуддаги кўплаб соҳалар қаторида бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, эскирган, реконструкцияга муҳтож, таъмирталаб кўп қаватли уйлар қайтадан тартибга келтирилмоқда. Шулар баробарида, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир қанча янги, замонавий уй-жойлар ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан биринчи навбатда фуқаролар миннатдор бўлишмоқда. Давлатимизнинг бу саъй-ҳаракатлари замирида ҳудуд аҳолисини йиллар давомида қийнаб келган муаммоларнинг ечими мужассам. Ваҳоланки, кўпгина кишилар узоқ йиллар таъмирлаш ҳамда реконструкцияга муҳтож уйларда яшасада, уларни бартараф этиш масаласини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди.

Гап, аҳоли фаровон яшаши учун замонавийлаштирилган кўп қаватли турар жойлар ҳақида бораркан, бундай биноларда умргузаронлик қилиш баробарида унинг ўзига хос тартиб-қоидалари, уларни авайлаб-асраш, санитария ва озодалигига, электр, газ, сув сингари истеъмол маҳсулотларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, атроф-муҳитга зарар етказмаслик каби талаблари ҳам бор.

Дарвоқе, бу борада ҳар йили эрта баҳордан бошлаб ҳукуматимизнинг алоҳида топшириғига биноан аҳоли яшаш жойлари, кўп қаватли уйлар, корхона ва ташкилотлар, мактаб, мактабгача таълим ташкилотларини куз-қиш мавсумига пухта тайёрлашга киришилади. Давлатимизнинг одамларга қулайлик яратиш йўлидаги мана шу саъй-ҳаракати ҳам инсон омилининг устувор даражага олиб чиқилганидан далолатдир.

Ушбу масъулиятли вазифани талаб даражасида бажариш ҳамда мавсумнинг беталафот ўтишини таъминлаш ишларига бекободликлар анча аввалроқ киришишди. Жумладан, бу борада шаҳар ҳокимининг алоҳида фармойишига биноан махсус комиссия тузилиб, энг аввало, мавжуд 485 та кўп қаватли уйлар, 9 246 та аҳоли хонадонлари, 88 та давлат корхоналари, 19 та мактаб, 30 та мактабгача таълим ташкилотларининг куз-қишга тайёргарлик ҳолати батафсил ўрганилиб, бошқа фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ҳам тегишли тадбирлар ишлаб чиқилгач, шаҳар ҳокимлигига таклифлар киритилди.

Ана шундан сўнг таъмирталаб ҳамда реконструкцияга муҳтож уйлар, 3 та умумтаълим мактаблари, 1 та мактабгача таълим ташкилотида белгиланган муддатларда барча ишлар меъёрига етказилди. Шулар баробарида, шаҳар ҳудудида қурилиш, капитал таъмирлаш реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, 121 та объектлардан 91 та янги қурилаётган биноларда карантин талабларига қатъий риоя қилган ҳолда режалаштирилган барча юмушлар ўз муддатида бажарилмоқда ва бугунги кунда ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. 30 та кўп қаватли уйларда эса реконструкция, капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштириш қаторида инсонлар ҳаёти ва мол-мулкини ёнғин балосидан асраш, бунинг учун тегишли тартиб-қоидаларга амал қилиш борасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Бу йўналиш бўйича хавфнинг олдини олишга қаратилган паннолар, плакатлар тайёрланиб, барча кўп қаватли уйларнинг олдида корхона ва ташкилотларда, мактабларда, маҳаллаларга кираверишдаги кўча бошида осиб қўйилди.

Шунга қарамай, ўтказилаётган профилактик тадбирлар давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган ёхуд «ҳали кунлар иссиқ, қиш эса тоғлар ортида турибди», деб долзарб паллада унга тайёргарлик кўришни ортга сураётганлар ҳам йўқ эмас. Кўпни кўрган кексаларимиз дуога қўл очганида «Ўт балосидан, сув балоси ва бошқа офатлардан сақласин», дея бежизга айтишмайди. Зеро, бундай офатлар бир жойда бошланса, унинг таъсири кўпчиликка етиши мумкин.

– Бекобод шаҳрида яшовчи фуқаро К.Р. ҳам ёнғин туфайли келиб чиқадиган офат оқибатини кеч тушуниб етганлардан бири бўлиб чиқди, – деди Бекобод шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, катта лейтенант Илҳомжон Бўрибеков. – Соҳа ходимлари хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш жараёнида унинг янги ҳовлисидаги электр линиялари ноқонуний ўтказилгани ва талабга жавоб бермаслиги юзасидан огоҳлантирилганди. У эса мутахассисларнинг огоҳлантиришига парво қилмади. Натижада уйда икки нафар ёш боладан бошқа ҳеч ким бўлмаган пайтда электр симларидан чиққан қисқа туташув туфайли хонадоннинг бир қисми ёниб, уй эгаси каттагина моддий зарар кўрди. Белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этмасликнинг оқибати нима билан тугашини энди у англаб етган бўлса, ажаб эмас. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш давомидаги текширишлар натижасида амалдаги қонун-қоидаларга риоя этмаган ёки бу жараён қанчалик муҳимлигини ҳис қилмасдан, кўра-била туриб, газ, ичимлик суви, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётган бир қанча хонадон эгалари, якка тартибдаги тадбиркорлар, ташкилотлар раҳбарлари огоҳлантиришларга қарамасдан фаолиятини давом эттиргани учун белгиланган тартиб бўйича жаримага тортилди.

Тайёргарликнинг сўнгги босқичида шаҳардаги мавжуд 35 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларда ҳам иситиш тизимлари, газ тармоғи, шунингдек, электр энергиясидан фойдаланишдаги аҳвол бўйича мониторинглар ўтказилди. Эрта баҳордан куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўриш учун ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳияти яшовчилар ўртасида кенг тарғиб қилингач, элликдан ортиқ фуқаролар қўлбола тайёрланган иситиш мосламалари, талабга жавоб бермайдиган бошқа турдаги ҳар хил ноқонуний маҳсулотларни ихтиёрий равишда топширишди.

Бир сўз билан айтганда, бекободликлар долзарб мавсумга эрта киришишгани барча тармоқларда тайёргарлик ишларини сифатли ва ўз вақтида уддалаш имконини бермоқда. Бу эса совуқ, изғиринли кунлар бошланганда ўз самарасини бериши тайин.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Талабалар турар жойи қурилиши бошланди

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида барча қулайликларга эга 800 ўринли замонавий талабалар турар жойи биноси қурилиши бошланди. Ушбу қурилишнинг умумий қиймати 16,865 млрд сўмни ташкил қилади.**



Мазкур қурилиш ишларини бошлаш ва жараён билан бевосита танишиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Мажидов Қорақалпоқ давлат университетига келди ва қурилиш ишлари билан яқиндан танишиб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Маълумот ўрнида, университетда ҳозирги кунда 1 250 ўринли талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, янги қурилаётган талабалар турар жойи мавжуд эҳтиёжларни 50 фоизга қисқартириш имконини беради.

**Ўз мухбиримиз.**

# Маҳсулотга талаб катта

**Коронавирус пандемияси қатор соҳаларнинг иш жараёни, уларнинг ривожланишига анча салбий таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин қатъият билан, карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, ўз интилиши йўлида тинимсиз тер тўкаётган тадбиркорлар оғир вазиятда ҳам кўзланган мақсадга етишаётганини қувонч билан таъкидлаш лозим. Яқинда фаолиятини бошлаган «Жомбой яшил чироқлари» МЧЖ жамоаси ҳақида ана шу фикрни билдириш мумкин.**

Маълумки, республикамизда қурилиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда янги уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар, йўллар, кўприклар қад ростлаб, тобора замонавий қиёфага киряпти. Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг жадал ривожланишида эса арзон ва сифатли маҳсулот муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Жамият раҳбарлари шуни назарда тутиб бугунги кунда соҳа учун талаб юқори бўлган цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, дастлабки натижага эришдилар.

– Ўзбекистон ҳудуди ҳали очилмаган қўриқ дейиш мумкин, – дея гап бошлади корхона таъсисчиси Зайниддин Аҳроров. – Бу заминнинг табиий бойликлари, битмас-туганмас хомашё ресурси билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Қурилиш материаллари захирасига эга конларнинг ўзи мингтадан зиёд. Уларни очиш, ўрганиш, эҳтиёжга монанд маҳсулот тайёрлаб, жаҳон бозорига олиб чиқиш зарур. Бу анча маблағ, кўп изланиш ва катта кучни талаб этади, албатта. Меҳнатдан қочмаган, элга наф келтиришни кўнглига туккан одам бунга эришиши муқаррар экан. Биз ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш орзусида фаолиятга киришган эдик. Бугун ниятимизга етиб, юрт олдида юзимиз ёруғ бўлганидан мамнунман.

Самарқанднинг шарқидаги Фарҳод қўрғонида иш бошлаган янги цемент заводида бўлган кишининг унинг замонавийлиги, илғор технологияга асослангани, атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида аҳамият берилгани киши диққатини тортиши шубҳасиз. Ишчиларга яратилган қулайликлар, ям-яшил майдон ва гулзорлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги аниқ. Улкан техникалар, цемент ташишга мўлжалланган махсус автомашиналар ҳаракати эса тўхтовсиз давом этаяпти.

– Корхонани илгари ташландиқ бўлиб қолган тош карьери ўрнида тиклаганмиз,



– дейди раҳбар Шукрилла Ҳамроев. – Ишчи-хизматчиларимиз ғайрат-шижоати билан машаққатларни енгиб мана шундай обод ва кўркам масканга асос солдик. Бу гўшани таниб бўлмас даражада жиҳозлаб, ободонлаштирдик. Маҳсулот ҳақида гапирсам, мақтанчоқликка йўйишингиз мумкин. Бизда ишлаб чиқарилаётган цемент юқори сифатга эга бўлиб, 23-стандартга тўла жавоб беради. Йил охиригача 25-стандарт даражасига етказиш режалаштирилган. Бинобарин, ички ва ташқи бозорда ҳам маҳсулотимиз аллақачон ўз мижозларини топгани эътиборга сазовор. Шу билан бир қаторда шифер ва бошқа мураккаб қурилиш иншоотлари учун маҳсулотлар тайёрлаш бўйича лойиҳаларни рўёбга чиқариш устида бош қотиряпмиз.

Айтиш жоизки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 5,5 миллион АҚШ долларига яқин кредит маблағи ҳисобига бунёд этилган корхонада айни пайтда 150 киши меҳнат қучоғига шўнғиган. Асосан навқирон йигит-қизлардан иборат жамоанинг аҳиллиги, ташаббусга ўчлигига ҳавас қиласиз.

– Ҳозир бир кеча-кундузда минг тоннадан зиёд цемент ишлаб чиқариляпти, – дейди бош ҳисобчи Фахриддин Аббосов. – Цехларга Хитойнинг замонавий, энергия тежамкор жиҳоз-ускуналари ўрнатилгани муваффақиятларга йўл очмоқда. Яна бир ютуғимиз шундаки, бу ерда экологик мувозанатни барқарорлаштириш мақсадида Германияда ишлаб чиқарилган 23 мингта фильтр мосламалари ўрнатилганлигидир. Улар ҳавога ҳар хил заҳарли чанг ва чиқиндилар чиқишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

«Жомбой яшил чироқлари»нинг келажаги ҳақида ҳам тўлқинланиб гапириш мумкин. Айни пайтда хитойлик 20 нафар мутахассис заводнинг иккинчи блогини ишга туширишга бел боғлаб, сўнгги технологик ускуналарни ўрнатмоқда, асбобларни синовдан ўтказмоқда. Қолаверса, улар маҳаллий ёшларга лаборатория, энергетика ва бошқа соҳаларда ўз тажрибасини ўргатиб, малакали кадрлар тайёрлашга яқиндан ёрдам беряптилар.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

## *Қисқа сатрларда*

Бугунги кунда Нурафшон шаҳри марказини Ўрта Чирчиқ тумани билан боғловчи Бобур кўчаси тубдан янгиланяпти.

Қурилиш ишларига «Автойўлсаноат инвест» ташкилотининг 50 дан ортиқ техника ва 200 нафарга яқин ишчи-хизматчилари жалб этилиб, қарийб 2 минг метрни ташкил этувчи йўлнинг асфальт-бетон қопламалари ётқизиш ишлари, кўча четида аҳоли учун йўлакчалар қурилиши битказилмоқда. «Тошкент йўл кўкалам» УК ишчилари томонидан эса арча, қарағай, шамшод каби манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда.

Ҳудуд бўйлаб ўтувчи канализация тизими, аҳолини тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан таъминлаш тизими ҳам буткул янгича шаклда ташкил этилмоқда. Мақсад – ҳудудни обод қилиш орқали халқимиз фаровонлигини ошириш, улар учун қулай турмуш шароитларини яратишдан иборат

Янгийўл туманининг «Халқобод» маҳалласида замонавий кўринишда қад ростлаган 140 ўринли тиббиёт бирлашмаси бунёд этилишига республикамиз бюджетидан 34 миллиард сўм ажратилганди. Айни кунларда ушбу кўп тармоқли шифо муассасаси фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, туманда кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга узоқ муддатли кредит асосида берилиши кўзда тутилган 5 қаватли турар жой биноси ҳам қуриб битказилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи, сўмда | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги мудофаа ишлари бўлимини реконструкция қилиш ва маъмурий биносини қуриш | 8 263 509 639 сўм ҚҚС билан. | 360 кун |

**Буюртмачи:** Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Молиялаштириш манбаси:** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

**Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:** айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 фоизидан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

**Тендер савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган:** улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматлар)ни импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари лозим:** Тошкент шаҳар Абай кўчаси, 6-«а» уй.

**Тел.:** (71) 244-12-17.

**E-mail:** tender_tash@bk.ru

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин. Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан (Абай кўчаси, 6-«а» уй, 705-хона) www.xarid.uz махсус ахборот порталида кўрсатилган вақтга қадар қабул қилинади.

**Таклифларни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда амалга оширилади:** Тошкент шаҳар Ислом Каримов кўчаси, 16-«а» уй.

# БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи, сўмда | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар Сергели тумани «Қурувчи» массивида оилавий поликлиника қуриш | 12 130 641 560 сўм ҚҚС билан | 300 кун |

**Буюртмачи:** Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:** айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 фоизидан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

**Тендер савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган:** улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматлар)ни импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари лозим:** Тошкент шаҳар Абай кўчаси, 6-«а» уй.

**Тел.:** (71) 244-12-17.

**E-mail:** tender_tash@bk.ru

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин. Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан (Абай кўчаси, 6-«а» уй, 705-хона) www.xarid.uz махсус ахборот порталида кўрсатилган вақтга қадар қабул қилинади.

**Таклифларни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда амалга оширилади:** Тошкент шаҳар Ислом Каримов кўчаси, 16-«а» уй.

# БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Урганч шаҳри «Ашхобод» МФЙдаги ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 7 847 157 108 | 365 |
| 2. | Янгиариқ тумани марказида ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш | 10 680 523 946 | 365 |

**Буюртмачи:** «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси.

**Манзили:** Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича, иш кунлари 9.00 дан 18.00 гача мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан 2020 йил 23 сентябрь куни, соат 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади.

**Таклифларни очиш қуйидаги манзилда тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 24 сентябрь куни, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади:** Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 133-«а» уй.

**Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.**

# ПОПРАВКА

В объявлении, опубликованном в газете «O‘zbekiston bunyodkori» за №70 (419) от 08.09.2020 года о проведении тендерных торгов по объекту: строительство административного здания Каракалпакстанского регионального филиала АКБ «Узпромстройбанк» по адресу г. Нукус, ул. А. Досназарова, просим читать предельную стоимость объекта в следующей редакции:

18 550 270 326 сум без НДС.

21 332 810 875 сум с НДС.

Остальная часть текста остаётся без изменений.

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Поставка, установка и шеф-монтаж локальных очистных сооружений (ЛОС) и строительство сетей канализации**

**Форма финансирования:** Истисна’а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-04**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на поставку, установку и шеф-монтаж локальных очистных сооружений, строительство сетей канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для поставки, установки и шеф-монтажа 10 единиц локальных очистных сооружений (ЛОС) и строительства 9,096 км сетей канализации в сельской местности Андижанской области.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных Территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Андижанская область |
|---|
| **Адрес:** г. Андижан, пр. Навои, 30.<br>**Телефон:** (74) 223-57-05.<br>**Факс:** (74) 223-57-05. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены его реквизиты банковских счетов:**

| Андижанская область |
|---|
| **Банк:** Андижанский городской филиал<br>АКБ «InFinBank»<br>**Р/с:** 2021 2000 4036 4994 4001<br>**ИНН:** 202 453 348 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

25. 202002193002096-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 4 254 265,00 сўм.
26. 202002193002097-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 769 765,00 сўм.
27. 202002193002098-ижро хатига асосан 7 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 6 132 865,00 сўм.
28. 202002193002099-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 269 715,00 сўм.
29. 202002193002100-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 512 215,00 сўм.
30. 202002193002101-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 315 165,00 сўм.
31. 202002193002102-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 300 015,00 сўм.
32. 202002193002103-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 815 215,00 сўм.
33. 202002193002104-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 365 629,36 сўм.
34. 202002193002105-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 837 649,12 сўм.
35. 202002193002106-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 951 565,00 сўм.
36. 202002193002107-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 072 765,00 сўм.
37. 202002193002108-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 981 765,00 сўм.
38. 202002193002109-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 391 015,00 сўм.
39. 202002193002110-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 583 725,10 сўм.
40. 202002193002111-ижро хатига асосан 5 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 693 715,00 сўм.
41. 202002193002112-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 769 765,00 сўм.
42. 202002193002113-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 739 465,00 сўм.
43. 202002193002114-ижро хатига асосан 11 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 10 465 765,00 сўм.
44. 202002193002115-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 906 115,00 сўм.
45. 202002193002116-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 633 415,00 сўм.
46. 202002193002117-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 815 215,00 сўм.
47. 202002193002118-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 527 342,86 сўм.
48. 202002193002119-ижро хатига асосан 5 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 799 765,00 сўм.
49. 202002193002120-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 208 948,36 сўм.
50. 202002193002121-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 527 265,00 сўм.
51. 202002193002122-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 193 965,00 сўм.
52. 202002193002123-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 618 131,68 сўм.
53. 202002193002124-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 5 284 465,00 сўм.
54. 202002193002125-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 013 780,90 сўм.
55. 202002193002126-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 006 226,20 сўм.
56. 202002193002127-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 981 865,00 сўм.
57. 202002193002128-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 830 769,00 сўм.
58. 202002193002129-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 845 515,00 сўм.
59. 202002193002130-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 391 015,00 сўм.
60. 202002193002131-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 330 315,00 сўм.
61. 202002193002132-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 678 865,00 сўм.
62. 202002193002133-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 890 765,00 сўм.
63. 202002193002134-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 466 565,00 сўм.
64. 202002193002135-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 603 115,00 сўм.
65. 202002193002136-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 331 707,89 сўм.
66. 202002193002137-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 799 765,00 сўм.
67. 202002193002138-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 678 765,00 сўм.
68. 202002193002139-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 223 998,36 сўм.
69. 202002193002140-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 846 609,83 сўм.
70. 202002193002141-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 5 769 265,00 сўм.
71. 202002193002142-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 269 815,00 сўм.
72. 202002193002143-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 5 738 965,00 сўм.
73. 202002193002144-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 769 765,00 сўм.
74. 202002193002145-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 875 815,00 сўм.
75. 202002193002146-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 754 615,00 сўм.
76. 202002193002147-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 466 765,00 сўм.
77. 202002193002148-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 981 765,00 сўм.
78. 202002193002149-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 421 682,93 сўм.
79. 202002193002150-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 391 015,00 сўм.
80. 202002193002151-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 820 087,24 сўм.
81. 202002193002152-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 103 065,00 сўм.
82. 202002193002153-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 541 054,24 сўм.
83. 202002193002154-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 860 565,00 сўм.
84. 202002193002155-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 572 815,00 сўм.
85. 202002193002156-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 284 765,00 сўм.
86. 202002193002157-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 254 665,00 сўм.
87. 202002193002158-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 118 215,00 сўм.
88. 202002193002159-ижро хатига асосан 13 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 21 222 265,00 сўм.
89. 202002193002161-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 466 765,00 сўм.
90. 202002193002162-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 572 715,00 сўм.
91. 202002193002163-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 618 065,00 сўм.
92. 202002193002164-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 739 265,00 сўм.
93. 202002193002165-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 594 065,30 сўм.
94. 202002193002166-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 421 315,00 сўм.
95. 202002193002167-ижро хатига асосан 8 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 14 899 664,90 сўм.
96. 202002193002168-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 178 915,00 сўм.
97. 202002193002169-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 072 765,00 сўм.
98. 202002193002170-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 845 515,00 сўм.
99. 202002193002171-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 830 365,00 сўм.
100. 202002193002172-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 6 829 765,00 сўм.
101. 202002193002173-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 232 203,58 сўм.
102. 202002193002174-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 133 265,00 сўм.
103. 202002193002175-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 769 765,00 сўм.
104. 202002193002176-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 239 415,00 сўм.
105. 202002193002177-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 769 765,00 сўм.
106. 202002193002178-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 800 065,00 сўм.
107. 202002193002179-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 239 515,00 сўм.
108. 202002193002180-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 369 504,71 сўм.
109. 202002193002181-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 466 765,00 сўм.
110. 202002193002182-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 587 965,00 сўм.
111. 202002193002183-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 890 765,00 сўм.
112. 202002193002184-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 391 015,00 сўм.
113. 202002193002185-ижро хатига асосан 7 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 4 344 205,10 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Hamkor kredit» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 2-уй, 75-хонадон.

**Тел.:** (71) 295-80-04.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 19 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари, соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати – савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «ZAR AUKSION» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 9007 9396 0001 АТБ «Турон банк» Юнусобод филиали МФО 01144 СТИР 305 014 967.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

**Мурожаат учун тел.:** 71-224-86-67.

**Электрон почта:** zarauction@yandex.ru

*536412 рақамли гувоҳнома.*

# «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Коституциявий суди балансидаги 2012 йилда ишлаб чиқарилган «Ласетти» русумли, давлат рақами 01 909 VBA, ранги қора, **бошланғич баҳоси** – 47 265 938 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 13 октябрь куни, соат 11.30 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда ўтказилади.

Талабгорлар билан закалат шартномаларини тузиш, буюртманомалар, закалат тўловлари ҳужжатининг нусхасини қабул қилиш юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 18.00 гача амалга оширилади. Буюртманомалар ва закалат тўловлари ҳужжатининг нусхасини қабул қилиш 2020 йил 12 октябрь куни, соат 17.00 да тўхтатилади.

**Талабгорлар закалат шартномасини тузиш учун савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

**Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379. Закалат тўлови амалга оширилгач, тўлов ҳужжатининг нусхаси ва буюртманома савдо ташкилотчисига топширилади.

Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига автотранспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида сотувчи (мулк эгаси) билан олди-сотди шартномасини имзолаши шарт. Шунингдек, кўрсатилган ахборот-консалтинг хизматлари учун тўлов олинади.

Дастлабки савдоларда сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари мулк сотилгунга қадар ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари, соат 11.30 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзил ва шартларда ўтказилади. Такрорий савдолар учун талабгорлар билан закалат шартномаларини тузиш, закалат тўловлари ва буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин, соат 17.00 да тўхтатилади.

Сотилиб, кейин савдо натижалари бекор бўлган ҳолларда мазкур автотранспорт воситасининг савдолари кейинги савдо кунларида ташкил қилинади.

Ҳурматли талабгорлар! Аукционда талабгор шахсан ўзи ёки ишончнома асосида унинг вакили қатнашади, нархлар эркин шаклланади ҳамда сотиб олиш тўловлари сотувчининг ҳисоб рақамига банк орқали тўланади.

«Аукциондан автомашина олиб бераман» деган шубҳали шахсларга алданиб қолманг!

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** (71) 236-74-67.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№71 (420) 2020 йил 11 сентябрь

# КАДАСТР ТИЗИМИГА
## инновацион технологиялар жорий этилмоқда

**Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган ер участкалари ҳисобини юритишда инновацион технологиялардан фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.**

Геоахборот тизимларидан фойдаланиш орқали ер участкалари ҳисобини юритишнинг самарадорлигини ошириш масалалари устуворлик касб этади. Жисмоний ва юридик шахсларга ажратилаётган ер участкаларининг ҳисобини юритишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари хусусида Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Кадастр ва рўйхатга олиш хизматлари бўлими бош мутахассиси Абдурашид Қодиров билан мухбиримиз суҳбатлашди.

**– Абдурашид Тоҳирович, тизимга инновациянинг, рақамли технологияларнинг татбиқ этилиши қанчалар самарали?**

– Инновацияларни жорий қилиш бу – техника ва технология авлодини янгилаш учун иқтисодиётга маблағлар сарфлашдан иборат бўлса, иккинчидан, илмий-техник ютуқлар, илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган замонавий техника ва технологиялар демакдир. Бирор-бир йўналишда йирик ихтиро ва кашфиётлар яратилиши эса инновацион фаолиятнинг муҳим омилларидан саналади. Шу ўринда австралиялик олим И. Шумпетернинг инновацияларни беш асосий турга ажратганига эътибор қаратсак. Булар янги техника ва технологик жараёнлардан фойдаланиш, янги хусусиятларга эга маҳсулотни жорий қилиш, хомашёни қўллаш, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва унинг моддий-техник таъминотидаги ўзгаришлар, шунингдек, маҳсулот сотишнинг янги бозорини очиш. Ҳозирда жисмоний ва юридик шахсларга ажратилаётган ер участкалари ҳисобини юритишда инновацион технологиялардан фойдаланиш борасида илмий-тадқиқот изланишлар олиб борилаётган бўлиб, уларда жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган ер участкалари ҳисобини юритишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари, уларнинг назарий ва методологик асослари, геоахборот тизимларидан фойдаланиш орқали ер участкалари ҳисобини юритишнинг самарадорлигини юксалтириш масалалари ўрганилмоқда.

Бугунги кунда, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа кўплаб соҳаларда инновацион технологиялардан фойдаланиш ўта муҳим ҳисобланади, яъни эскирган технологиялар ёки маҳсулотларни вақти-вақти билан алмаштириш зарурати туғилган. Фан-техника тараққиёти, аҳолининг маҳсулот ва хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши миллий иқтисодиёт тармоқларини инновацион жиҳатдан ривожлантириш заруриятини янада кучайтирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Инновацион ривожлантириш стратегияси»га рақобатни ривожлантириш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш мақсадида «2021 йилга бориб давлат кадастри ишларини юритишнинг тўлиқ рақамлаштирилишини таъминлаш ва мулкни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини соддалаштириш» банди киритилгани айни йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантирди.



**– Соҳада мавжуд муаммолар ва уларнинг ҳал этилиш омилларига тўхталиб ўтсангиз.**

– Ер участкаларининг жисмоний ва юридик шахсларга ажратилиши ҳамда ушбу ер участкаларидан самарали фойдаланилаётгани тўғрисидаги мавжуд база маълумотларининг тўлиқ ва ишончли эмаслиги реал вақт режимида рақамли картографик базани яратиш ва янгилаш технологиясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ҳозирда барча даражадаги ижро ҳокимияти органларига ва ердан фойдаланувчиларга тегишли ишончли маълумотларни тақдим этиш учун бир қатор инновацион имкониятлар мавжуд. Ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида яратилган электрон хариталарнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Ажратилган ер участкаларининг ҳисобини юритишда инновацион технологиялар ёрдамида ечим топилиши мумкин бўлган муаммолар бор. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2010-2019 йиллар оралиғида жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган ер участкаларидан фойдаланувчиларнинг 30 фоизи ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилмаган. Рўйхатдан ўтмаган ер участкаларининг 87 фоизи 2017-2019 йиллар оралиғига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида ажратилган ер участкаларининг ҳисобини юритиш ҳамда ушбу мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишда инновацион ёндашув зарурлигини кўрсатади.

**– Жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини бериш механизмларини янада ривожлантириш, ердан оқилона фойдаланиш борасидаги ишлар қандай бажарилмоқда?**

– Республикамизда жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини бериш механизмларини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлардаги бюрократик тартиб-таомиллар ва тўсиқларни қисқартириш, ерлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларни мақбул жойлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Маълумки, давлат ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий назорати соҳага доир қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солган ҳолда, бўш турган ерлардан самарали фойдаланган ҳолда, уни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, ерлардан мақсадсиз фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, ер қонунчилигини бузганлик учун жазо чораларини қўллаш зарур.

Бироқ, ердан оқилона фойдаланишни ташкил этиш учун ҳуқуқий пойдевордан ташқари ердан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишда уни ташкил этиш усулларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган инновацион ёндашув зарур. Бунда, замонавий инновацион технологиялар ердан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш учун катта имкониятлар яратади. Бугунги кунда, ер ажратиш соҳасидаги амалга оширилаётган технологик амалий ишланмалар асосан ер участкасини олишга талабгор бўлган жисмоний ва юридик шахсларга, ер-мулкларини давлат рўйхатидан ўтказишга қаратилган талабларга, шунингдек, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, ер участкасини олишда шаффофликка эришишга қаратилган. Ажратилаётган ер участкалари бўйича мавжуд маълумотлар бугунги кунга қадар қоғоз кўринишидаги хариталар ёки электрон жадваллар шаклида сақланаётгани жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган ер участкалари ҳисобини юритиб, улардан самарали фойдаланишда имкониятларни чеклайди.

**– Тегишли маълумот базасини шакллантирмай электрон хариталарни яратиш мумкин эмас. Ер тузишда географик ахборот тизими технологияларидан фойдаланиш тизимда қанчалар самарали?**

– Ер тузишда географик ахборот тизими технологияларидан фойдаланиш нафақат ер тузиш объектлари тўғрисидаги маълумотларни сақлаш, балки турли хил ўзгаришлар ва бундай ўзгаришлар тенденциясини қайд этиш имконини беради. Географик ахборот тизимларини қўллашда бу жиҳат жуда муҳимдир, чунки, ер тузиш корхоналари, янги ташкил этилаётган объектларни кадастр ҳисобига олиш тўғрисида маълумот манбаи бўлади. Географик ахборот тизими ерни бошқариш бўйича баъзи вазифаларни тез ва самарали ҳал қилади. Маълумотларнинг мавжудлиги ва ишончлилиги бу – ердан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг яна бир шартидир. Булар, ерларни баҳолаш, назорат қилиш, рўйхатга олиш, уларни истиқболли инвесторлар ўртасида қайта тақсимлаш, самарасиз фойдаланилаётган ёки фойдаланилмаётган ерларни аниқлаш тадбирларидан иборатдир.

Ҳозирги вақтда географик ахборот тизимлари учун энг машҳур дастурий маҳсулотлар AutoCAD Map 3D, ArcGIS, Autodesk MapGuide Studio, IndorGIS, QGIS, GIS MapInfo, Arc/Info, ArcViewGIS, AutodeskWorld, AutoMap, GeoMedia, GeoDraw ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала. Ўзбекистонда муҳим фундаментал ва технологик ишланмалар, илмий ва ишлаб чиқариш базаси ҳамда малакали кадрлар мавжуд. Шуларни инобатга олган ҳолда инновацияларни яратиш ва амалга ошириш жараёнини бошқариш, уни молиялаштириш манбаларини шакллантириш, шунингдек, илмий гуруҳлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, уларни самарали технологик занжирга жорий этиш имконини яратиш устуворлик касб этади.

# Матбуот анжумани

**Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжуман ташкил этилди.**

Сўнгги йилларда ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимиздаги иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар ушбу тизимнинг тўлақонли, шаффоф ва замонавий стандартлар асосида ишлашини тақозо этади. Давлатимиз раҳбарининг қайд этилган Фармони ер ҳисоби ҳамда давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг аниқ механизми ва босқичларини белгилаб берди.

Тизимдаги асосий ўзгаришлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси эндиликда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги сифатида фаолият юритишидир. Бу борада агентликнинг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Кадастр агентлиги тизимида эндиликда Давлат кадастрлари палатаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман, шаҳар филиаллари, Республика аэрогеодезия маркази, Кадастр агентлигининг марказий аппарати таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Геодезия назорати бошқармаси тузилди.

Маълум қилинганидек, аҳолининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари, жумладан ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага олиш ҳуқуқининг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши фақат давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга кириши белгиланди. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этиш зарур, акс ҳолда юридик шахсларга маъмурий жавобгарлик белгиланади.

Тизимдаги ислоҳотлар онлайн хизматлар ва ягона электрон манбаларни ривожлантириш, ахборот алмашинуви механизмини такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирларни ўз ичига олади. Кадастр агентлигининг онлайн геопортали ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотларни жамловчи платформа сифатида ривожлантирилади. Эътиборли жиҳати, ушбу онлайн геопортал Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинади.

Матбуот анжуманида ушбу ҳуқуқий ҳужжат билан фуқароларга яратилаётган имкониятлар хусусида ҳам атрофлича маълумотлар берилди.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

СЕМИНАР

**Мамлакатнинг барча минтақаларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам қурилиш соҳаси тез ривожланиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда янги-янги бинолар қад ростламоқда. Аммо қурилиш ва лойиҳалаш йўналишларида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.**

# Муҳим вазифалар кўриб чиқилди





Куни кеча Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармаси ташкил этган амалий семинарда ана шу каби масалалар муҳокама қилинди. Унда бошқарма ходимлари, шаҳар ва туман қурилиш бўлимлари раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислар иштирок этишди.

Тадбирни Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Султанов кириш сўзи билан очиб, соҳанинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталди. Хусусан, ўтган йили Наманган шаҳар ва туманлар қурилиш бўлимлари хизмат автомобиллари билан таъминланди. Айни пайтда эса мазкур ташкилотлар жойлашган биноларни мукаммал таъмирлаш, замонавий мебель ва ускуналар билан жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Шундан сўнг тадбир қатнашчилари вилоят адлия ҳамда давлат хизматлари бошқармалари масъул ходимлари билан интерфаол мулоқот ўтказишди. Унда фаолиятнинг энг долзарб масалалари муҳокама қилиниб, Наманган шаҳар қурилиш бўлимининг мукаммал таъмирдан биносида ходимлар мижозларга хизмат кўрсатиши учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

Иштирокчиларда Наманган шаҳар қурилиш бўлимида йўлга қўйилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш гуруҳи фаолияти катта қизиқиш уйғотди. У яқинда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг лицензиясига эга бўлди. Бу ерда малакали мутахассислардан иборат жамоа бино-иншоот қуриш ва қайта қуриш, ички ва ташқи дизайн лойиҳаларини тайёрлаб беради. Бунинг учун энг замонавий ускуна ва жиҳозлардан фойдаланилади. Ўз навбатида, қурилиш бўлимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконияти ҳам вужудга келди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари Косонсой туманида бўлиб, бу ерда қурилиш бўлими учун мукаммал таъмирланган икки қаватли бинонинг тақдимотида иштирок этишди.

– Ярим йилда моддий-техник негизимизни мустаҳкамлаш бўйича қатор ишлар қилинди, – дейди туман бўлими раҳбари Нурилло Абдуллаев. – Яқинда хизмат автомобилига эга бўлгандик. Энди эса янги бинога кўчиб ўтдик. Ҳамма хоналар замонавий жиҳозланган.

Косонсой тумани қурилиш бўлими ходимлари бундан буён фаолиятларини мукаммал таъмирдан чиқарилган шинам бинода олиб боришади. Бунинг учун 350 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Кўркам ва шинам хоналар қулайликларга эга бўлиб, мижозларга ҳам тез ва сифатли хизмат кўрсата олишди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**журналист.**

# Сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқариш давр талаби

**Мамлакатнинг барча минтақаларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам қурилиш соҳаси тез ривожланиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда янги-янги бинолар қад ростламоқда. Аммо қурилиш ва лойиҳалаш йўналишларида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.**

Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида «Ўзстандарт» агентлиги ва «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ҳамкорлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилот вакиллари, соҳа мутахассислари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Анжуманда агентлик томонидан маҳсулотлар сифатини назорат қилиш, мувофиқлик серфтификатларини тақдим этиш меъёрлари, сертификатлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида тўлиқ маълумот берилди. Шу билан бирга мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг жаҳон талабларига жавоб бериши, йирик заводларда лабораториялар фаолияти, импорт маҳсулотларининг сифати ва уларга қўйилган талаблар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.

– Мамлакатимиздаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик корхоналарда сифат назорати йўлга қўйилган бўлиб, лабораторияларда маҳсулотлар жаҳон андозаларига мослиги мунтазам кузатиб борилади, – дейди «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Баҳодир Исмоилов. – Ҳозирги бозор иқтисодиётининг ҳам бош талаби бу – сифат ва рақобатдир. Шу боис тадбиркорларимиз биринчи ўринда маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратишган. Баъзи тадбиркорлар томонидан бозорларга сифатсиз, мувофиқлик сертификатларига эга бўлмаган маҳсулотлар ҳам олиб келинмоқда. Шу билан бирга йирик корхоналар брендини қалбакилаштириш ҳолатлари ҳам мавжуд. Айниқса, цемент маҳсулоти бўйича бир қанча сохта тадбиркорлар фаолияти аниқланмоқда.

– Жорий йилнинг ўтган даврида 2 113 та корхоналарда профилактика тадбирлари ўтказилди, – дейди «Ўзстандарт» агентлиги матбуот хизмати раҳбари Абдурауф Расулов. – Бунинг натижасида 1 263 та корхона стандартлар ҳамда 150 та халқаро стандартлар билан бепул таъминланди. Шунингдек, 224 та корхоналарда метрология ҳамда 136 та корхонада сертификатлаштириш соҳасида қонун бузилиш ҳолатларининг олди олинди. Ходимларимиз томонидан қурилиш материалларининг меъёрий ҳужжатларга мослиги юзасидан ҳам ўрганишлар олиб борилмоқда. Савдо дўконларида сотилаётган ва қурилиш объектларида фойдаланилаётган цемент ва металл маҳсулотларининг сифати, хавфсизлигининг ўрганилиши натижасида 2 турдаги цемент ва 41 турдаги металл маҳсулотлари амалдаги стандартларга мувофиқ эмаслиги аниқланди. Цемент маҳсулотларининг мувофиқлигини баҳолашда қўшимча талаблар киритилди ва сифатини назорат қилиш халқаро талаблар асосида тартибга солинди. Қурилишда ишлатиладиган металл маҳсулотларига махсус техник регламент ишлаб чиқилиб, кимёвий таркибига қўшимча талаблар белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилдаги қарорига асосан металл ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 6 та корхонада давлат назорати ўтказилди. Йил якунига қадар 35 та металлни кайта ишлаш корхоналарида ҳамда 3 та сертификатлаштириш идораларида давлат назорати ўтказилади.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан тўлиқ жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана
Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.
Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Тўлаганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдусами Ҳақбердиев
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-953.
2136 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 22.25. Топширилди – 23.20.
1 2 3 4 5 6